

В. Г. Чукалин, Р. М. Яковлев, Х. К. Танбаев,
Е. В. Ермилова, Е. Е. Велькер, О. С. Лосенко

ҘАДИЙ МЕХНАТ

Умумтаълим мактабларининг
8-синф ўқувчилари учун

ДАРСЛИК

(ўғил болалар учун нусха)

Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан министрлиги тавсия этган



УҮТ 373.167.1
КБТ 85.12я72
Б14

Чукалин В. Г. ва бошқалар.

Б14 **Бадий мәхнат:** умумтаълим мактабларининг 8-синф ўкувчилари учун дарслик (үғил болалар учун нусха) / В. Г. Чукалин, Р. М. Яковлев, Х. К. Танбаев, Е. В. Ермилова, Е. Е. Велькер, О. С. Лосенко. – Кокшетау: Келешек-2030, 2018. – 80 б.

ISBN 978-601-317-354-2

Дарсликнинг электрон нусхаси: <http://keleshek-2030.kz/books/ht8muz.php>

УҮТ 373.167.1
КБТ 85.12я72

ISBN 978-601-317-354-2

© «Келешек-2030» ЖЧШ, 2018

ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

-  – амалий иш
-  – тадқиқот
-  – изланиш
-  – якка тартибда ишлаш
-  – гурӯҳда ишлаш
-  – саволлар ва топшириқлар
-  – хавфсизлик техникаси қоидалари
-  – компьютерда ишлаш
-  – тақдимот

МУНДАРИЖА

Муқаддима	5
Манзарали-амалий санъат	6
§ 1. Мозаика санъати	8
§ 2. Мозаиканинг турлари ва бажарилиш техникаси	10
§ 3. Эскиз. Материал танлаш	12
§ 4. Мозаикали панно учун асос тайёрлаш	14
§ 5. Мозаикали паннони бажариш	16
§ 6. Ишларга бадий безак бериш ва намойиш қилиш	20
Дизайн ва технология	22
§ 7. Қозоқ миллый майший буюмлари билан танишиш	24
§ 8. Қозоқ миллый майший буюмларини тайёрлаш техникаси ва материалларини ўрганиш (меш, думалоқ стол).....	26
§ 9. Фояларни муҳокама қилиш ва эскиз тайёрлаш.	
Ишни режалаштириш.....	28
§ 10. Материалларга ишлов бериш. Буюм тайёрлаш	30
§ 11. Ишларни намойиш этиш ва кўргазма ташкил қилиш.....	40
§ 12. Стол ўйинлари. Вужудга келиш тарихи	42
§ 13. Стол ўйинининг моҳияти.....	44
§ 14. Стол ўйинини лойиҳалаш. График ҳужжатлар.....	48
§ 15. Стол ўйинининг қисмларини тайёрлаш	50
§ 16. Стол ўйинини бадий безатиш.....	52
§ 17. Ўйинни синовдан ўтказиш. Саволнома юргизиш ва ахборот тўплаш.....	54
§ 18. Ишлар намойиши	56
Уй маданияти	58
§ 19. Агротехнологиянинг ривожланишида илм-фаннынг роли (мустақил тадқиқот).....	60
§ 20. Электр асбобларини ва майший техникани танлаш ва баҳолаш	62
§ 21. Хоналарни таъмирлашга мўлжалланган замонавий ма- териаллар, асбоб-ускуналар ва иш қуроллари (амалий ишлар)....	64
Санитария-гигиена талаблари	68
Хавфсизлик техникаси қоидалари	68
Луғат	74
Илова	78
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	79
Кўшимча адабиётлар	79

МУҚАДДИМА

Қадрли ўқувчилар!

Аввалги ўқув йиллари давомида сиз илм-фан, санъат, маданият ва техниканинг турли соҳалари бўйича назарий билим ва амалий кўнижмаларга эга бўлдингиз.

Янги ўқув йилида «Бадиий меҳнат» фанини ўрганишни давом этасиз. Дарсликнинг тузилиши ўзгарган, мақсади, вазифалари мураккаблашган, аммо у сиз учун билимлар оламини ўзлаштиришда содиқ дўстингиз, замонавий инсонга зарур бўлган янги малакаларни эгаллашда ёрдамчингиз бўлиб қолаверади. Сиз қозоқ амалий санъати, халқ ижо-диётининг турлари билан танишишда давом этасиз, амалий ишларни бажариш борасида бадиий материал, техникаларни мустақил равишда танлаш ва ўзаро аралаштириб фойдаланиш орқали буюм яратишни ўрганасиз.

Манзараги-амалий санъат мавзусини ўзлаштириш жараёнида сиз мозаиканинг хилма-хил турларини ва уларни бажариш техникиаси-ни ўрганасиз. Олган билим ва кўнижмаларингиз сизга ўз ижодий ғоя-ларингизни тасвирлашда санъатдаги ифодалаш воситаларини танлаш ва кўлланишга имкон беради.

«Дизайн ва технология» бўлимими ўрганиш давомида санъат ва ху-нармандчилик асарларининг дизайнни ва ўзига хос хусусиятларини, миллий майший буюмларнинг тайёрланиш техникиси ва материалла-рини кўриб чиқасиз. Буюмнинг функционал, эстетик, эргономик ва эко-логик талабларга мувофиқ келадиган дизайнини яратиш бўйича топ-шириқларни бажарасиз, уни тайёрлаш учун лозим бўлган график ва технологик ҳужжатларни ишлаб чиқишини ўрганасиз. Буюм устида иш-лаш давомида уни тайёрлаш ва безатишга керак бўладиган замонавий ва ноанъянавий материалларни танлашни, замонавий технологик ма-шиналарда таркибий материалларга ишлов бериш бўйича оддий опе-рацияларни бажаришни, турли иш қуроллари ва асбоб-ускуналардан фойдаланиб, уларнинг эстетик ва функционал сифатини яхшилашни ўрганасиз. Тайёр ишларни онлайн-платформаларда намойиш этиш кўнижмаларини такомиллаштирасиз.

«Уй маданияти» бўлими сизга электр асбобларини, майший техника-ни тўгри танлаш ва баҳолашда ёрдам беради, ижодий ғояларни таҳлил қилиш ва ривожлантириш учун турли ахборот манбаларидан фойдала-нишни ўргатади, таъмирлаш ишларини бажаришнинг асосларини эгал-лашга кўмаклашади.

«Бадиий меҳнат» фанини ўрганиш ва ўзлаштиришда сизга омад ти-лаймиз!

Муаллифлар

МАНЗАРАЛИ-АМАЛИЙ САНЪАТ

Бўлимни ўзлаштириш натижасида:



- мозаика санъати ҳақидаги билимларингизни кенгайтирасиз;
- мозаика бажаришининг турлари ва техникаларини ўрганасиз;
- мозаикали панно бажаришининг хусусиятлари билан танишасиз;
- дунёдаги ва Қозогистон Республикасидаги мозаика санъатининг ривожланишини таҳлил қиласиз ва тадқиқотлар ўтказасиз;
- ижодий ишларни яратиш жараённада халқ (қозоқ, ўзбек) маданияти элементларидан фойдаланасиз;
- буюм тайёрлашнинг оқилона йўллари ва кетма-кетлигини аниқлаган ҳолда, график ва технологик ҳужжатларни ишлаб чиқасиз;
- ижодий қобилиятларни, қарорларнинг янгичалиги ва ўзгачалигини намойиш қиласиз;
- ижодий ишларни яратишда турли техника ва бадиий материаларни мустақил равишда аниқлайсиз, танлайсиз ва уларни ўзаро аралаштириб фойдаланасиз;
- ўзлаштирилган материал асосида шахсий ижодий ишларни яратасиз;
- шахсий ишларни, шунингдек бошқа ўқувчиларнинг ишларини таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш кўникмаларини ривожлантирасиз;
- олдинги тажрибангизга асосланиб, қўл мөхнатининг иш қуроллари билан ишлаш маҳоратини ривожлантирасиз.



Мозаика безакдан фрагмент

§ 1. МОЗАИКА САНЪАТИ

Мозаика қуриш
Мозаика теру
Набор мозаики
Compose a mosaic



Х. А. Яссавий мақбараси.
Фрагментлар



1. Мозаика техникасини биласизми?
2. Мозаиканинг кундалик ҳаётда қўлланилишига мисоллар келтиринг.

Мозаика – материали бўйича бир ёки турли хил хом ашё (шиша, мармар, металл ва бошқалар) парчаларидан ишланган тасвир ёхуд нақш йигиш.

Мозаика санъатининг тарихи эрамиздан аввалги IV минг йиллукнинг иккинчи ярмига бориб тақалади.

Мозаикали асарлар доимо рангбаранглиги билан ажralиб турган. Қадимда мозаика билан уйлар, қасрлар, ибодатхоналар безатилиган.

Византия империясининг равнақи даврида мозаика бош черков (собор), мақбаралар, базиликаларни безашнинг асосий элементи бўлган.

Мозаика санъатининг намуналари меъморий ёдгорликларда, қутичалар, идиш-товоқлар, уй жиҳози, ибодат қилиш ниқобларидағи қадама нақшларда бизнинг давримизгача етиб келган.



1. «Мозаиканинг ривожлаиш тарихи» мавзусини тадқиқот қилинг.
2. Турли даврларга оид мозаика санъатини мавзуси, ранглар гаммаси ва фойдаланилиши бўйича таққосланг.
3. Тадқиқот натижаларини синфдошларингиз билан бўлининг.

Замонавий мозаика манзарали-амалий санъатнинг ушбу йўналишининг анъаналарини ривожлантиришда давом этмоқда.

Илм-фаннинг ривожланиши на-тижасида мозаикали безакларни яратишида қўлланиладиган материалларнинг турлари сезиларли даражада кўпайди.

Рассомлар ҳар хил материаллар, шакллар ва фактураларнинг ўзаро таъсирланишини ҳамда анъанавий рангли хира шиша парчалари, металл, полимер ва шу сингари бошқа материаллар билан бириткириб, амалда қўллаб кўриш имконига эга бўлдилар.



Визуал санъатда ва кун-далик ҳаётда мозаиканинг қўлланилишини тадқиқ этинг. Ҳарбир йўналишнинг алоҳида-ликларини атанг.




Қозогистонлик рассом-ларнинг ижодида мозаиканинг қўлланилишига мисоллар тан-лаб олинг. Тўплангандан маълумотларни синфга тақдимот кўринишида таклиф қилинг.



1. Мозаиканинг манзарали-амалий санъат сифатида қандай асосий хусусиятлари бор?
2. Мозаика санъати қандай ривожланди?
3. Сизнинг фикрингизча, мозаика санъати нима туфайли ҳозирги кунда жуда ҳам машхур?



«Ботир Бауржон»
Б. Байдилда



«Абай»
В. Твердохлебов,
Г. Завизионный

§ 2. МОЗАИКАНИНГ ТУРЛАРИ ВА БАЖАРИЛИШ ТЕХНИКАСИ



Тошли мозаика



Смальтали мозаика

Құлланилған материаллари, ба-
жарыш техникаси ва мозаика нақ-
шининг алоҳидалигига мувофиқ
мозаика турларга ажратиласы.

Мозаиканинг материалларига күра турлари

- Шишали
- Сополли
- Металли
- Смальтали
- Тошли
- Ёғочли
- Ноанъанавий
материаллардан
ишланган мозаика

 Мозаиканинг ҳар хил тур-
лари ҳақида маълумот түпланды.
Жадвални түлдириңг.

Мозаиканинг асосий турлари

Тури	Материаллар	Құлланилиши

Мозаиканинг асосий элементла-
ри, яъни туташ композиция тузиш-
да ишлатылады майда элемент-
лар *тессерлар* деб аталады.

Мозаика теришнинг асосий иккита тури мавжуд – *тўғри ва тескари*.

Тўғри териш – мозаикани бевосита асосга ўнг тарафи билан юқорига қаратиб тахлаш усули.

Бу ҳолда расм яхши кўринади ва доимо тахлаш жараёнида пайдо бўлган нотўғриликларни тузатиш имкони бор. Бундай усул бир хил қалинликдаги тессерлар билан ишлашда жуда қулай.

Тескари териш усули билан мозаикани бевосита бинонинг деворида тахлашга бўлади.

Тескари териш усулида мозаика теришнинг асосига кўчирилади. Тескари териш усулида натижага фақатгина мозаикани тахлаб бўлгандан сўнг баҳо беришга бўлади. Бу усул турли қалинликдаги тессерлар билан ишлашда анча қулай.



Мозаика ясашнинг турли техникаларини солиштириб, таҳлил қилинг. Уларнинг асосий афзалликлари ва камчилликларини аниқланг. Тадқиқот натижаларини жадвал орқали кўрсатинг.



1. Мозаика ясашнинг қайси техникаси сизнинг дикқатингизни ўзига жалб этди?

2. Қандай материаллардан мозаика техникасида буюм яратишни хоҳлар эдингиз?



Металл мозаика



Тўғри териш



Тескари териш

§ 3. ЭСКИЗ. МАТЕРИАЛ ТАНЛАШ



Шиша



Сопол



Смальта



Сизнинг фикрингизча, мозаика билан безашни нимадан бошлаш керак?



1. Қўл остидаги материаллардан фойдаланиб, тайёр буюмни (танлов бўйича) мозаика техникасида безатинг.
2. Ўз ишингизни синфдошларигизга намойиш этинг.
3. Ўзингизнинг ва синфдошларигизнинг ишларини баҳоланг ва таҳлил қилинг.
4. Қандай қийинчиликларга дуч келдингиз? Нима сабабдан?

Эскиз тузиш асосий босқич бўлиб ҳисобланади. Айнан эскиз тайёрлаш вақтида бўлажак мозаиканинг композициясини синчковлик билан ишлаб чиқиши, ранг уйғунлиги, ҳажм ва рангларнинг энг мақбул нисбатини тўғри танлаш лозим.

Эскиз асоснинг ўлчамига мувофиқ бўлгани маъқул. Аввал расмнинг деталлари аниқ кўрсатилиб, қалам билан чизилади. Сўнгра барча контурлар фломастер билан чизиб чиқилади ва эскиз рангли қалам билан бўялади. Ранглар алмашиниши ва уларнинг умумий уйғунлигига алоҳида эътибор берилади.

Эскиз аниқ ва равшан бўлиши лозим. Кейинги иш ва ўз гоянгизни амалга ошириш имкони эскизнинг пухта ишланишига боғлик бўлади.



Мозаикали буюмнинг эскизини ясанг (танлов бўйича).

Мозаика теришда анъянавий материаллар билан бир қаторда ноанъянавий материаллардан ҳам фойдаланишга бўлади.

Уни қўл остидаги дуч келган во-ситалардан – кум, чиганоқ ва майдада тошлардан тортиб то шиша парчалари ва синиқ идишларгача бўлган материаллардан теришга бўлади. Муҳими, қўлланиладиган материал қаттиқ ва маҳкам бўлиши керак. Фақат мана шу сифатлари бўлажак мозаикадан фойдаланиш вақтини узайтиради.



Қўлингизда бор материаллардан фойдаланиб, тажриба қилиб кўринг. Тайёрланган эскиз бўйича буюм ясашда уларнинг қайси бирини қўллай олишингизни таҳлил қилинг. Ўз танловингизни асосланг.

Ноанъянавий материаллардан фойдаланиш муаллифга ўзининг шахсий хусусиятларини ифода этишга ва мозаикани ўзгача қилиб яратишга имкон беради. Танланган материаллар буюмнинг гоясига мувофиқ бўлиши керак.

Турли материаллар ва рангларнинг бирикмаси ранг-баранг таркибий тузилиш яратишга ва икки ўлчовли ишларга теранлик бахш этишга ёрдам беради.



1. Дарсда қандай янги ахборот олдингиз?
2. Мозаика техникасида буюм яратиш учун сиз қандай билим ва кўним-малардан фойдаланасиз?



Мозаикада қўлланиладиган ноанъянавий материаллар

§ 4. МОЗАИКАЛИ ПАННО УЧУН АСОС ТАЙЁРЛАШ

**Тош асос
Тас негіз
Каменная основа
Stone basis**

Мозаикани факат тайёр безак буюми сифатидагина териш змас, балки унинг ёрдамида ҳар хил буюмларни (масалан, стол устини, фотосурат ҳошиясини) ва сувенир маҳсулотларини ҳам безатишига бўлади.



Мозаикали панно учун асос тайёрлашда қандай материалдан фойдаланиш мумкинлигини ўйлаб кўринг.

Паннонинг ташки кўриниши нафақат танланган материалга, шунингдек, у учун асосни тўғри тайёрлашга ҳам боғлиқдир.

Мозаика учун асос турлари

Цементли
Тош
Гипсли
Бетон
Цементли-кумли
Шпаклевка
Гипс картонли
Махсус асослар



Мозаика учун асоснинг ҳар бир турининг хусусиятларини таҳлил қилинг.

Мозаикали паннонинг асосини тайёрлаш учун мавжуд бўлган но текисликларни бартараф этиш, ёриқларни ёпиш лозим. Асос юзаси тоза ва текис бўлиши керак. Шундан кейин қопламага грунтовка билан ишлов берилади. У асоснинг мустаҳкам бўлишига ёрдам беради.

Эскизни асосга кўчириш учун нусха кўчиргич қофоз, калька, андазалардан фойдаланиш мумкин. Расмни шаффоф ўзи ёпишадиган плёнка билан кўчиришга бўлади (елим суртилган томонини юқорига қаратиб). Бунда ҳимоя қатламини секин-аста кўчириб оламиз, чунки елим қатлами ҳавода ўзининг ёпишқоқлиқ хосиятини йўқотади. Сўнгра эскизни асоснинг юзасига қўямиз, бурчакларини скотч ёрдамида маҳкамлаймиз ва расм элементларини эҳтиёткорлик билан ручка, бигиз ва шу каби учи ўткир нарса ёрдамида бостириб чизишни бошлаймиз. Тушган чизиқ изларини маркер ёки гель қалам билан устидан юргизиб чиқамиз.




Турли ахборот манбалаridan фойдаланиб, мозаикани асосга бириттириш усуспари билан танишинг.



1. Асоснинг тури ва шаклини танланг.
2. Керакли материалларни тайёрланг.
3. Мозаикали панно ясашнинг техникасини танланг.
4. Мозаика билан асосни бириттириш усулини ўйланг.



1. Мозаикали панно яратишда асоснинг роли қандай?
2. Ушбу дарсда олган қандай билим ва кўнижмаларингиз панно ясашда сизга ҳожат бўлади?



Калька
(мозаикали панно эскизини кўчириш учун)



Мозаикали панно учун тайёрланган асос



Мозаикани кўчиришнинг тескари усули

§ 5. МОЗАИКАЛИ ПАННОНИ БАЖАРИШ



1. Мозаикали панно бажариш тартибини кўриб чиқинг.
2. Фойдаланилган материал ва иш куролларини атанг.

Мозаикали панно (1-нусха)

Бажариш тартиби

1		2	
3		4	
5		6	



Барча материал ва иш куролларини олдиндан тайёрлаб қўйган афзал.

Кафель ёки сопол плиткани майдада бўлакларга бўлишда зарбани юмшатиш ва синиқлар ҳар томонга учмаслиги учун уларни қалин матота ўраб олинг.

Мозаика бўлакларининг учли бурчаклари қўлга зарар келтири маслиги учун уларни кумқоғоз билан силлиқлаб олишга бўлади.

Текис бўлаклар олиш учун шиша-кескичдан фойдаланинг.



Юза қатламини мозаиканинг ҳар бир бўлагига астойдил ишлов бериб, бўлак-бўлак суртинг. У қурғаб, сал қорайгандан сўнг ортигини нам латта билан артиб ташлашга бўлади.



«Зоғча» панноси

Мозаикалы панно (2-нусха)

Бажарыш тартиби



«Дүмбира садолари» панноси

Мозаика мумкин қадар текис ва мутаносиб бўлиши учун теришни ўртасидан бошлиш керак ва астасекин айланга бўйлаб кенгайтириб бориш керак.

Суркаш мақсадида эритма тайёрлаш учун уч ёки тўрт қисм қумга бир қисм цемент қўшинг. Шунингдек, чокларни тасвирнинг асосий рангига ўхшатиб аниқ кўрсатиш учун ёки, аксинча, уларга кескин фарқ қиладиган ранг бериш учун рангли қурғоқ пегментлар қўшишга бўлади.

Мозаикани теришни расмнинг асосий элементларидан бошлаб, сўнгра айланасига (фонига) ўтиш керак.

**Ж. Рабатнинг
муаллифлик ишлари**



«Тамғали тош»



«Чиганоқли орол»

ХТ

Амалий ишни бошлашдан аввал хавфсизлик техникаси қоидаларини таорорланг.



Мозаикали панно ясанг.

1. Иш тартибини пухталик билан ўйлаб чиқинг. Ишнинг технологик харитасини тузинг.
2. Иш қуроллари ва мосламаларни танланг.



«Чихуахуя Ciao»




1. Амалий ишни бажариш давомида қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?
2. Ўз гоянгизни амалга ошира олдингизми?
3. Ишингизга баҳо беринг. Унинг сифати ва эстетик кўринишини яхшилаш учун қандай ўзгаришлар киритишни хоҳлар эдингиз?

§ 6. ИШЛАРГА БАДИЙ БЕЗАК БЕРИШ ВА НАМОЙИШ ҚИЛИШ



Н. Плетнева
Соат



О. Бурлакова
Гулдон



Тайёр мозаикали паннога қандай бадиий безак бера олишингизни ўйлаб кўринг. Ўзғояларингизни синфдошларигиз билан муҳокама қилинг.

Бадиий безак бериш буюм яратиш ишининг якуний босқичи бўлиб ҳисобланади. Мозаикали паннони безатиш учун анъанавий равишда турли шаклдаги ҳошиялар қўлланилади. Бадиий безак муаллифнинг асосий ғоясининг мантиқий қўшимчаси сифатида хизмат қилиши мумкин.

Мозаикали панно мустақил бадиий асар, бино ёки ландшафт учун дизайнерлик ечимнинг бир бўлаги, турли буюмлар ва уй жиҳозини безатишнинг асосий элементи сифатида тайёрланиши ёки безатилиши мумкин.



ХТ Амалий ишни бажаришдан аввал ҳавфсизлик техникаси қоидаларини такоррланг.



Мозаикали паннони бадиий безаш учун ижодий ечим топинг. Тайёр ишни фотосуратга ва видеога тушириш учун расмийлаштиринг.

Бадиий безатилгандан сўнг ишни кўпчиликка намойиш этишга тайёрлаш керак.

Фото ва видеоматериалларни мустақил яратишда уларнинг сифати ва гўзаллигига таъсир этувчи асосий омилларни ҳисобга олиш лозим:

ёргулик – кундузги ёргулик мумкин қадар аниқ рангларни олишга имкон беради ва қўшимча чақнашдан фойдаланишни талаб этмайди;

фон – бутун эътиборни буюмга мужассамлаштириш учун оқ ёки бир хил очик рангда бўлиши керак.



Интернет ресурсларидан фойдаланиб, тайёр ишни кўпчиликка намойиш этинг:

- тайёр ишларни фотосуратга ёки видеога туширинг;
- буюмнинг асосий ғояси ва ундан фойдаланиш имконини тасвирлаб, матн тайёрланг;
- мактаб сайти учун ўз ишингиз ва синфдошларингизнинг ишлари ҳақида ахборий материал тайёрланг;
- ўз ишингиз ва синфдошларингизнинг ишларини фотосуратини ёки видеоролигини ижтимоий тармоқларга жойлаштириб, интернет-аукцион ёки овозга қўйишни ташкил қилинг.



1. Ўз ғоянгизни амалга ошира олдингизми?

2. Сиз учун нима қийин бўлди?
3. Кўпчилик билан қайта алоқа ўрната олдингизми? Изоҳлар ва маслаҳатлар сиз учун фойдали бўлдими?



Н. Уитлок
Хиёбондаги ҳайкал



Ж. Рабат
«Бойўғли» панноси

ДИЗАЙН ВА ТЕХНОЛОГИЯ

Бўлимни ўзлаштириш натижасида:

- келиб чиқиши турли тарихий ва маданий санъат асарларининг, ҳунармандчиларининг ва дизайннинг хусусиятларини тушунасиз;
- қозоқ халқининг миллий маший буюмларини ўрганасиз;
- шахсий эскизингиз бўйича буюм яратиш учун таркибий, табиий, сунъий материалларни ва уларга ишлов бериш усусларини танлайсиз;
- буюм тайёрлашнинг оқилона йўллари ва кетма-кетлигини аниқлаган ҳолда, график ва технологик ҳужжатларни ишлаб чиқасиз;
- ижодий иш яратиш ва тайёрлаш босқичларини режалаштирасиз;
- турли материал ва конструкциялардан фойдаланиб, мустақил равишда ишлаб чиқилган технологик ҳужжатлар асосида буюм яратасиз;
- қўл ва механик иш қуроллари, асбоблар ёрдамида буюмнинг функционал ва эстетик фазилатларини яхшилаш учун материалларга ишлов бериш ва безатиш усусларини аниқлайсиз ва фойдаланасиз;
- стол ўйинининг моҳиятини ишлаб чиқиш ва уни тайёрлаш бўйича топшириқларни бажарасиз;
- буюмни тайёрлаш ва безатиш учун замонавий ва ноанъанавий материалларни, улардан қандай қилиб самарали фойдаланиш мумкинligини тушунган ҳолда, мустақил равишда танлайсиз;
- онлайн-платформаларда ўз гоянгиз ва маҳоратингиз даражасини намойиш этасиз.



Қозоқ миллий овчилик камари

§ 7. ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАИШИЙ БУЮМЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ

**Миллий
Ұлттық
Национальный
National**



Күнек



Саба



Қозоқ халқининг майший буюмларини атанг.

Халқ ҳунармандчилеги – қозоқ халқи моддий маданий меросининг муҳим бўлагидир.

Қозоқ халқининг уй касбкорлиги ва қўл ҳунармандчилеги кўчманчи хўжалик шароитида ривожланди ва одамларнинг майший эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилди.

Тикувчилик, жун ва кигизга ишлов бериш, тўқимачилик ва гиламдўзлик, каштачилик ва бўйра тўкиш билан хотин-қизлар шуғуллашишган.

Ёғочга, чармга, суяқ ва тошга ишлов бериш, шунингдек чилангарлик ва заргарлик ишлари эркаклар ҳунармандчилеги бўлиб ҳисобланган.

Металлга бадиий ишлов бериш ва заргарлик тақинчоқларини тайёрлаш билан заргарлар, ёғочга ишлов бериш билан усталар шуғулланишган.

Усталар ва халқ ҳунармандлари ўз маҳоратларининг сир-асорорини авлоддан-авлодга бериб келгандар.



Халқ манзарали-амалий ижодиётининг битта турини танланг. Халқ (қозоқ, ўзбек) усталари қандай майший буюмларини тайёрлашганлигини аниқланг.

Қозоқ халқининг манзарали-амалий санъат буюмлари ўзига хос миллий хусусият ва чукур бадиий мазмуни билан фарқланади.

Улар бутун тарихий давр давомида ривожланди ва такомиллашди, бугунги кунда ҳам ўз ноёблиги ва ўзига хослигини йўқотмаган.

Турли техникаларда бажарилган уй-рўзгор буюмлари замонавий уйларнинг ажойиб безаги сифатида хизмат қилмоқда.



«Қозоқ миллий майший буюмлари» мавзусида тақдимот ёки каталог тайёрланг.



1. Оиласизда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадимий буюмлар ҳақида гапириб беринг.

2. «Замонларни бирлаштирувчи ришта» мавзусида кичкина кўргазма тайёрланг.



1. Қозоқ халқ манзарали-амалий санъатининг хусусияти нимада?

2. Эркаклар хунармандчилликнинг қандай турлари билан шуғулланишган? Қандай буюмлар тайёрлашган?

3. Уйингизда халқ хунармандлари ясаган қандай буюмлар бор?



Сопли идиш



Сандик



От згар

§ 8. ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАИШИЙ БУЮМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНИКАСИ ВА МАТЕРИАЛЛАРИНИ ҮРГАНИШ (МЕШ, ДУМАЛОҚ СТОЛ)



Меш (торсық)



Усталар миллий майший буюмларни тайёрлашда қандай материаллардан фойдаланишган? Нимага?

Қозоқ хунармандчилегида чарм күп күлланилған, чунки чармдан ясалған буюмлар күчманчилар ҳәётида катта ўрин әгаллаган.



Чармдан ясалған майший буюмларнинг тасвирларини түпландырыңыз. Улар қайси соҳада күлланилған? Олингандай ахборотни синфдошларингиз билан бўлишинг.

Махсус ишлов берилған чармдан тикилған идишлар шакли, хажми ва вазифаси бўйича турли хил бўлған.

Чўпонлар ва сайёҳлар йўлга чиққанда ўзлари билан меш олиб чиққанлар.

Меш – қимиз, қимрон ва шу сингарип суюқ ичимликларни сақлашга мўлжалланган сафар идиши. Мешни эгарга ёки араванинг кўланкали қисмига боғлаб қўйишган. Ҳаракат вақтида меш ичидаги ичимлик чайқалиб, таъми кирган. Ундаги қимиз ёки қатиқ тугаган вақтда бўйин қисмидаги сузма ҳосил бўлған. Уни сув билан аралаштириб айрон олишган.

Меш тайёрлаш учун энг яхши чармдан фойдаланишган. Чарм та-наворларни нақш ўйилған иккита ёғоч таҳтанинг ўртасида сиқиб, босиши орқали буюмга миллий нақш туширилған.

Қозоқ уй хунармандчилерининг яна бир кенг тарқалган тури – ёғоч билан ишлаш бўлган. Унинг ҳар хил турларидан кундалик ҳаётда зарур бўлган буюмлар ясалган.

Ёғочдан ясалган жиҳоз, идиш ва бошқа нарсалар енгил, иқчам ва ташишга қулайлиги билан фарқланиб, кўчманчилик ва яримкўчманчилик ҳаёт тарзида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ёғочдан тайёрланган майший буюмлар кўпинча турли нақшлар, суяқ, кумушдан ясалган қадама безаклар билан безатилган.



1. Ёғочга бадиий ишлов бериш усулларини эсланг.
2. Халқ хунармандлари ёғоч майший буюмларни ясашда қандай материал ва техникалардан фойдаланишган?

Қозоқ халқининг овқатланадиган анъянавий столи думалоқ, паст бўлиб, ёғочдан тайёрланган. Унинг атрофида, одатда, кўрпачада ёки пўстакда ўтиришган.

Стол атрофида ўтирганларнинг ҳаммаси бир-бирини кўриб ўтириш имконига эга бўлган. У енгил ва йигиладиган бўлгани учун, кўчманчи халқлар учун жуда қулай бўлган.



1. Дарсда қандай янги ахборот олдингиз?
2. Олган билимингиз амалий ишни бажаришда ўз фойдасини берадими?



Оштовоқ



Думалоқ стол

Узоқ ўлкалардан ёки яқин қишлоқдан келган ҳар қандай саёҳни (йўловчини) қучоқ очиб кутиб олиш қозоқларнинг ҳозирги кунгачча мавжуд бўлган қадимиий одатидир. Келган одамни энг фахрий жой – тўрга ўтиргизиб, меҳмон қилишган.

Токи меҳмон чанқовини ва очлигини қондирмагунча, унинг ким эканлиги, қаерданлиги, дўст ёки душман эканлиги ҳақида сўрашмаган.

§ 9. ФОЯЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ ВА ЭСКИЗ ТАЙЁРЛАШ. ИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Фоя
Түпкі ой
Замысел
Idea



Буюмни безатишга
мұлжалланған қозоқча нақшлар

Хар қандай ижодий лойиха ғоялар қидиришдан бошланади.



1. Қозоқ ва ўзбек миллий маиший буюмларидан илҳомланыб, ўз буюмингизни ясаш учун бир неча ғоя йўлаштиринг.
2. Ўз ғояларингизни синфдошларингиз билан муҳокама қилинг.
3. Муваффақиятли бир ғояни танлаб олинг.

Маиший буюмларни тайёрлашга киришишдан аввал, маълум бир тайёргарлик ишларини бажариш лозим. Аввало муаллиф ясаладиган буюм ҳақида ўйланади, унинг хаёлида ғоя туғилади. Шундан сўнг у бўлажак буюмнинг хомаки лойиҳасини ва эскизини чизади. Бу тайёр ҳолда қандай буюм ҳосил бўлишини аниқ кўриш, ғояни чамалаб, тарозига солиш ва лозим бўлса, ўзгаришлар киритиш имконини беради.

Эскиз бўйича чизмалар ишланади, деталлар тайёрланади.



1. Турли график воситаlardan фойдаланиб, ўз буюмингизнинг эскизини ёки чизмасини чизинг.
2. Сизнинг ҳамда синфдошларингизнинг ишларида акс эттирилган ғоя ва мавзуларни таҳлил қилинг ва баҳоланг.
3. Зарурий ўзгаришларни киритинг.

Манзараги-амалий санъат қонун-қоидаларига асосланган нақш билан безаш буюмга ўзига хослик ва бетакрорлик беради.

Анъанавий қозоқ нақшлари койнот, ҳайвонот, ўсимлик ва геометрик мавзуларни ўз ичига олади. (иловага қаранг).

Безак буюмнинг ҳажми ва шаклига мос бўлиши, асос фоннинг ранги билан уйғунлашиши лозим, жуда йирик ёки жуда майдада бўлиб қолмаслиги керак.



1. Маиший буюм андазасини тайёрланг (танлов бўйича).

2. Функционал, эстетик, эргономик ва экологик талабларини ҳисобга олиб буюмга замонавий безак беришни ўйлаб кўринг.



1. Олган билим ва тажрибангиздан фойдаланиб, буюм ясашнинг босқичлари ва оқилона усули ҳақида ўйлаб кўринг.

2. Технологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда зарурий материаллар ва иш қуролларини танланг.



Турли маданиятга ва тарихий даврларга мансуб бўлган буюмлар дизайнининг фарқли хусусиятлари нимада?



Буюмни безатишга мўлжалланган қозоқча нақшлар

§ 10. МАТЕРИАЛЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШ. БЮМ ТАЙЁРЛАШ

Ишлов бериш
Өңдеу
Обработка
Processing



Ранда



Рандалаш (рейсмус) дастгоҳи



Усталар чарм ва ёғочдан майший буюмларни тайёрлаш учун қандай қуроллардан фойдаланишган?

Ёғоч – мустаҳкам, шунинг билан енгил ишлов бериладиган материал. У ишлаб чиқаришнинг турили соҳаларида ва кундалик ҳаётда ишлатилади.

Ёғочдан буюм ясаш танаворни, яъни материални (татхта, чорқирра, фанера ва ҳоказо) танлашдан бошланади. Буюмнинг таянч (асосий) томони, яъни энг силлиқ юзаси танлаб олинади, кейин шу томонига белги кўйилиб, ишлов берилади. Кейин арралаш амалга оширилади. Арраланган танавор ишлов бериш учун қолдирилган ортиқ, нотекис жойлар ва ғадирбудурликларга эга бўлади.

Танаворни текис ва силлиқ қишлиш, унга керакли шаклни бериш ва зарур ўлчамларга келтириш учун уни рандалайди (ранда ёрдамида юзадан қириндига ёки пайраҳа туридаги юпқа қатламларни олиб ташлаш).

Танаворнинг шакли ва ўлчамларини ўзгариши учун ҳар хил кўл асбоблари билан қатор дастгоҳларни фойдаланишади, улар: пармалаш, токар, рандалаш, фрезерлаш станоклари ва бошқалар.



1. Ёғочдан ясалган буюмга ишлов бериш тартибини аниқланг.

2. Бунинг учун керак бўлган ишқуроллари ва асбоб-ускуналарни атанг.

Чармдан буюм тайёрлаш учун аввал унинг шакли бичилади. Жуфтлашган деталларни бичишида чарм бўйлама йўналишга қараганда кўндаланг йўналишга кўпроқ тортилишини ҳисобга олиш лозим. Шунинг учун уларни бир йўналишда бичган афзал. Ҳозирги кунда бу мақсадда маҳкам нейлон ипдан фойдаланилади, унинг устидан безак чоки юргизилади.

Терини тикиш учун қўлланиладиган энг маҳкам чок эгар чоки ҳисобланади. Дастребакида ундан отнинг эгар-жабдугини тайёрлашда фойдаланишган. Бугунги кунда эгар чоки чармдан ясаладиган барча буюмларни тикишда қўлланилади.

Чармда бўлажак чокнинг тешикларини белгилаш учун белги қўйиш асбоби – роллер қўлланилади.

Белгиланган тешиклар бигиз ёрдамида тешилади. Чарм бир-бирига қўшиб тикилгандан сўнг кесилган жойлари ёғоч тўқмоқ билан сайқалланади.



1. Чармга ишлов бериш иш қуролларини кўриб чиқинг.
2. Улар билан ишлаш усувларини атанг.



1. Ясаладиган буюмнинг эскизига суюниб, унинг таркибидаги деталларни атанг.
2. Таркибий материалларга ишлов бериш бўйича қандай операциялар бажарилади?
3. Материалларга ишлов беришида қандай иш қуроллари ва асбоб-ускуналар керак бўлади?



Р. Яковлев.
Кўлда, эгар чоки билан ишлов берилган камар



Роллер



Бигиз



Тўқмоқ


Чармдан ясалган сувенир (1-нусха)

Меш чармдан ясалади. Ошланган тери дарахт илдизларидан тайёрланган бүёқда қайнатиласди, сүнгра қуритиласди. Шундан кейин буюм бичиласди, деталлари нақш билан безатиласди ва тикиласди. Нақш маҳсус асбоб – эзгич (давильник) ёрдамида бажариласди. Нақш олдиндан чизилган эскиз бўйича босиласди (ишлаш вақтида тери бироз нам бўлиши керак). Кейин меш иссиқ кум билан тўлдирилиб, қуритиласди. Қуригандан сўнг кум тўкиб ташланади ва меш шамолда қуритиласди.

Шундай қилиб ясалган меш ҳеч қачон ўз шаклини йўқотмайди.




Сувенир ясаш тартиби ни кўриб чиқинг. Уни тайёрлаш учун қандай материаллар ва иш қуроллари керак?



Буюм эскизи


Бажариш тартиби

1



2






Материал сифатида эски чарм қийқиндиларини қўлланишга бўлади. Уларни аввал чўтка ёрдамида тозалаб олади.

Тери эгилувчан бўлиши учун уни сирка кислотаси ва ош тузининг кучсиз эритмасида (500 мл сув, 25 г ош тузи, 10 мл 9 % сирка кислотаси) чайиб олиш керак.




Меш


Чармдан ясалған сувенир
(2-нұсха)



Буюм эскизи

Бажариш тартиби







21



22



23



24



25




26



Тайёр буюм

Думалоқ стол Дәңгелек үстел Круглый стол Round table



Думалоқ стол





Стол ясаш тартибини күриб чиқинг. Уни тайёрлаш учун қандай материаллар ва иш қурллари керак?



Буюм чизмаси
(остидан кўриниши)

Бажариш тартиби





XТ

Амалий ишни бажаришдан аввал хавфсизлик техникаси қоидаларини тақрорланг.



Қозоқ халқининг миллий маший буюмларининг биттасини бажаринг.

1. Буюмнинг эскизини ёки чизмасини тайёрланг.
2. Ранг уйғунлигини ҳисобга олиб материал ва иш қуролларини танланг.
3. Қозоқ миллий нақшларидан фойдаланиб, буюмни пардоғланг ва безатинг.



1. Қандай буюм тайёрладынгиз?
2. Ишнинг қайси босқичи сиз учун энг мұраккаб бўлди?
3. Нима айниқса яхши чиқди?

Агар сизда стол юзасини айлантириб, чизиб олиш учун мос келадиган циркуль йўқ бўлса, уни иккита таёқчадан биттасининг учига қалам, иккинччисига дуч келган учлик нарса бойлаб, ясад олишга бўлади.

Стол четини ўртача донли кумқоғоз ёрдамида сайқаллашга бўлади. Кертик, тирналган жойлар ҳосил бўлмаслиги учун, дикқат билан сайқаллаш лозим.

Думалоқ столни пардоғланаш учун морилка, лак ва ёғли бўёқдан фойдаланади.

Пардоғланни күйдериш, нақошлиқ, ўймакорлик, елимли плёнка ёпишишиш ва бошқа усууллар билан бажарса бўлади.

§ 11. ИШЛАРНИ НАМОЙИШ ЭТИШ ВА КҮРГАЗМА ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Күргазма
Көрме
Выставка
Exhibition

Маданият ва санъатнинг ривожланиши натижасида одамлар күргазмалар ўtkазишни бошлашди.

Қадимги Рим ва Грециядаги мунтазам равишда ҳайкалтарошлар ва рассомлар ишларнинг күргазмалари ўюштирилганлиги маълум. Ўрта асрлардан бошлаб күргазмалар улкан аҳамиятга эга бўла бошлаган. Бунга рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва бошқа санъатнинг соҳалари, механика, химия ва шу сингари фанларнинг ривожланиши имконият яратди.



Сизнинг фикрингизча, тайёр буюмнинг намойишини қандай ташкил қилишга бўлади?

Күргазма, күргазма-савдо, ярмарка, ихтисослаштирилган журнал ва каталоглар тайёр ишларни намойиш қилишнинг асосий усуллари бўлиб ҳисобланади. Техниканинг ривожланиши кўпчилик учун намойиш ва тақдимотларни онлайн-платформаларда (онлайн-форум, онлайн-ўйинлар, онлайн-дўкон, ижтимоий тармоқлар ва бошқалар) ўtkазиш имконини беради.



Тайёр ишларни кўпчиликка тақдим этинг (ярмарка, күргазма ва ҳоказо):

- ижодий ишларингизни расмийлаштиринг;
- буюмни намойиш этиш учун ўрин ва ускуналарни танланг;
- реклама ташкил этинг;
- томошабинлар учун таклифномалар тайёрланг;
- күргазма учун керакли қўшимча материалларни танланг;
- ташкилий-техник воситалар ҳақида ўйланинг (мусиқа, интерфаол ускуна ва бошқалар);
- ишингизни намойиш этиш шаклини танланг. Намойиш давомида гоянгиз ва уни амалга ошириш жараёнини ифодалаб, буюмга изоҳ беринг.


**Р. М. Яковлев ишларининг
тақдимоти**



1. Ишингизнинг натижасидан мамнунмисиз?
2. Томошабинларнинг фикрини эътиборга олган ҳолда, буюмнинг сифати ва эстетик кўринишини яхшилаш учун нимани ўзгартиришни хоҳлар эдингиз?

§ 12. СТОЛ ЎЙИНЛАРИ. ВУЖУДГА КЕЛИШ ТАРИХИ

Ўйин
Ойын
Игра
Game



Сенет (Миср)



Чатуранга (Ҳиндистон)



1. Ўзингиз биладиган ўйинларни атанг.
2. Уларнинг қайсилари стол ўйинларига киради? Нима учун?

Хонада ёки стол устида ўйнашга бўладиган ўйинлар стол ўйинлари деб аталади. Унда стол устига (кўл етири жойга) ёки ўйинчиларнинг кўлига сиғадиган миқдордагина ўйин элементлари ишлатилади. Стол ўйинларининг ҳар хил турлари мавжуд.



Стол ўйинларини таснифлаш бўйича ўз таклифингизни киритинг. Тадқиқот натижасини жадвал турида кўрсатинг.

Шахмат, шашка, соқقا, нарда, до-мино ўйинлари энг қадимий стол ўйинлари ҳисобланади. Улар бу-гунги кунда ҳам кенг тарқалган ва бу ўйинларга қизиқувчилар жуда ҳам кўп.



Суратларни кўриб чиқинг.
Сиз қадимий стол ўйинлари тўғрисида нима биласиз? Улар қайси замонавий ўйинларга мос келади?

Сенет энг қадимий стол ўйини ҳисобланади. Ўйиннинг бу тури Қадимий Мирса эрамиздан аввалиги 4000 йилларда көнг тарқалган бўлиб, қоидалари бўйича шашка ўйинини эслатади.

V асрда Хиндистанда биринчи шахмат ўйинига ўхшаш чатурanga ўйини пайдо бўлган.

VIII асрда Европа ва Осиёда одамлар биринчи марта домино ўйини билан танишишган.

Қозоқ халқининг энг қадимий миллий ўйинларидан бири «тўқ-қизқумалоқ» ўйинидир. Мантиқ ва идрокни такомиллаштиришга мўлжалланган бу стол ўйини тафкур ва вазминликни ривожлантиришга ундаиди. Унинг асосига қадимги туркий халқларда муқаддас ҳисобланган 9 сони олинган.

Ўйин давомида рақиблар тўртта математик амални тўлиқ қўлланадилар. Ўйин ҳисоблаш тезлиги билан бир қаторда тактикани ҳам талаб этади.



1. Турли ахборот манбаларидан фойдаланиб, стол ўйинларидан бирининг вужудга келиш тарихи ҳақида маълумот тўпланг.
2. Унинг ривожланиш босқичларини кузатинг.



1. Дарсда қандай янги ахборот олдингиз?
2. Қозоқ миллий стол ўйини ҳақида нима биласиз?



Тўққизқумалоқ (Қозогистон)



Трик-трак (Европа)

§ 13. СТОЛ ЎЙИННИНГ МОҲИЯТИ

Моҳият Тұжырымдама Концепция Concept



Шахмат



Эрудит (билимдон)



Дўстларингиз, синфдошлирингиз қандай ўйинлар ўйнашади? Улар стол ўйинларига қизиқишадими?

Стол ўйинлари мантиқий тафаккур, идрок, хотирани ривожлантиради. Кўпчилик стол ўйинларини болаларга мўлжалланган деб ҳисоблашади, лекин катталар учун қизиқарли бўлган ўйинлар ҳам кўп.



Турли ёшдаги одамлар орасида саволнома юритинг.

1. «Стол ўйини ва унинг ҳозирги жамиятдаги аҳамияти» мавзусида саволнома ўтказиш учун саволлар тузинг.
2. Стол ўйинларининг нима учун ҳожат эканлигини аниқланг.
3. Турли ёшдаги одамлар орасида қандай стол ўйинлари кенг тарқалган ва нима сабабдан?
4. Стол ўйинларининг харидорларни жалб этадиган сифатларининг рўйхатини тузинг.

Стол ўйинларига қизиқувчилар ҳозирги кунда ҳам жуда кўп. Ишлаб чиқарувчилар стол ўйинларининг хилма-хил турларини таклиф этмоқдалар. Уйинчиларни фақат чиройли дизайн эмас, балки ўйиннинг янгича тузилиши, ўзгача таркиби ва мавзуси ўзига жалб этади.



Стол ўйинларининг турларини тадқиқ қилинг.

1. Ўйин ҳақида ишлаб чиқарувчи қандай ахборот беради?
2. Харидор учун ўйин танлашда асосан нима мұхим?
3. Аҳолининг бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини аниқланг.



1. Қўйида берилган сифатларни асосга олиб, стол ўйинларининг тасифини тузинг ва ёзиб олинг:

- мавзу;
 - мураккаблик даражаси бўйича таркиби;
 - ўйинга берилган вақт;
 - ўйиннинг мақсади ва қатнашувчиларнинг ёши.
2. Тадқиқот натижаларини тақдим этинг, олинган ахборотни синфдошларингиз билан бўлишинг.

Стол ўйинларининг элементлари: ўйин майдони, варақча, фишкалар, қиёфали шакллар, ўйин суклари ва бошқалар.

Майдон – ўйин жараёнининг асоси, у турли шакл ва кўринишга эга. Ўйин фишкаларининг ҳаракатланиши турли нусхаларда бўлиши мумкин:

- маълум бир йўналишда;
- маълум бир минтақада;
- катаклар бўйича;
- эркин;
- модуль бўйича.

Баъзи стол ўйинларида ўйин майдони йўқ бўлиши мумкин.



Бошқотирма



Стратегия



Минора



Козоқ хонлиги



Сет



Каркассон



- Стол ўйинларининг тасвирини дикқат билан күриб чиқинг.
- Ушбу стол ўйинларининг таркибий қисмларини атанг.
- Уларнинг ўхшашлиги ва фарқини кўрсатинг.

Стол ўйинини яратиш жараёни унинг моҳиятини (концепциясини) ишлаб чиқишидан бошланади.

Ўйин моҳияти қуидагиларни ўз ичига олади:

- ўйиннинг мавзуси;
 - мақсади ва ёшга оид қатнашувчилар аудиторияси;
 - ҳаракатланиш механизми (сюжет, ўйин қоидалари, таркибий қисмлари);
 - мураккаблик даражаси.
- Қуидагиларга:
- потенциал аудиторияга (ёши, жинси, ўйинчиларнинг тилак ва хошиллари);
 - жанрига (саёҳат, стратегия, детектив, квест, жумбоқ ва ҳоказо);
 - мавзусига (севимли китоб, сериал ва шу сингарилар бўйича мавзу ўйлаб топиш);
 - ўйин жараёнининг хусусиятларига (ўйиннинг мақсади ва қизиқарлик даражаси);
 - севимли стол ўйинига (такомиллаштириш мақсадида) ва ҳоказоларга асос қилган ҳолда, ўйиннинг моҳиятини турли йўллар билан яратишга бўлади.

Бу босқичда ўз ғояларининг барчасини ёзиб бориш лозим.



Үз стол ўйинининг моҳиятини ишлаб чиқинг.

Лойиҳаланаётган буюм номининг ўзгачалиги, тайёрланишининг соддалиги ва оз ҳаражатлилиги билан ажралиб туриши лозим.

Буюмнинг дизайни функционал, эстетик, эргономик ва экологик талабларга мувофиқ бўлиши керак.



1. Үз ҳиссиётларингизни ва бадиий ечимни ҳисобга олган ҳолда стол ўйини таркибий қисмларининг эскизини бир неча нусхада ва хоҳлаган техникада бажаринг.

2. Энг яхши нусхани танлаб олинг.

3. Үз ишингизни синфдошларингизга тақдим этинг.

4. Буюмга қисқача изоҳ беринг. Уни такомиллаштириш йўлларини таклиф этинг.



1. Дарсда қандай янги ахборот олдингиз?
2. Қайси маълумот сиз учун фойдали бўлди?
3. Стол ўйинининг моҳиятини ишлаб чиқишида нимага эътибор бериш керак?
4. Стол ўйинини яратишда нимани ҳисобга олиш керак?



Монополия



Лото





Шашка

§ 14. СТОЛ ЎИНИНИ ЛОЙИХАЛАШ. ГРАФИК ҲУЖЖАТЛАР



Стол ўинини лойиҳалашнинг асосий босқичларини атанг.



Чизма

Стол ўинининг моҳиятини ишлаб чиққандан сўнг зарурий график ҳужжатларни тайёрлаш лозим, улар:

- чизма (буюмнинг чизиш қуроллари ёрдамида, қоидаларга асосланниб, ўлчами ва материалини кўрсатган ҳолда чизилган тасвири);
- эскиз (пропорциялар сақланган ҳолда, кўлда бажарилган чизма);
- техник расм (буюмнинг кўлда бажарилган ҳажмли тасвири).

График ҳужжатлар ўинининг бўлажак таркибий қисмларининг ўлчами ва шаклини аниқ билиш, камчиликларини тузатиш, уни ишлаб чиқариш, назорат қилиш учун ҳожатdir.



1. Шаклнинг чизмачилик иш қуроллари ёрдамида чизилган тасвирини кўриб чиқинг.
2. Унинг шаклини ва параметрларини аниқланг.
3. Тасвирини яратишда кўлланилган иш қуролларини атанг.
4. Чизмани бажаришда амал қилинадиган қоидаларни таърифланг.

Чизма буюмнинг ўлчами ва шакли ҳақида аниқ тасаввур беради.

Техник расм унинг умумий тузилиши ва шакли, пропорциясини акс эттиради, буюмнинг майда қисмларини батафсил кўриб чиқиш имконини беради.




1. Стол ўйини таркибий қисмларидан бирининг (тандов бўйича) техник расми ва чизмасини бажаринг.
2. Керакли чизиш куроллари ва мосламаларни атанг.
3. Чиқариш ва ўлчам чизикларини чизинг ва ўлчамларни белгиланг.
4. Ҳосил бўлган тасвирларни солишишиб, таҳлил қилинг. Уларнинг қайси бири бўлажак буюм ҳақида тўлиқроқ тасаввур беришини аниқланг.
5. Иш натижаларини синдошларингиз билан муҳокама қилинг.



Ўзингиз ўйлаб топган стол ўйинининг график ҳужжатларини тайёрланг.



1. Чизманинг техник расмдан фарқи нимада?
2. Ўз ишингизга баҳо беринг.
3. Иш давомида қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?




Техник расм



Тайёр буюм

§ 15. СТОЛ ЎИНИНИНГ ҚИСМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ



Стол ўиннининг таркибий қисмлари



Сизнинг фикрингизча, стол ўинни қисмларини қандай материаллардан тайёрлашга бўлади? Нима учун?

Стол ўиннининг қисмларини тайёрлаш учун ёғоч, пластик, металл, газлама, пенопласт, табииятли материаллар, иккиламчи хом ашё каби турли материаллардан фойдаланишига бўлади.

Замонавий материаллар жуда кенг тарқалган: коматекс, акрил, кулолчилик ва моделлаш учун пластик, полимер лой, винил плёнкаси, сунъий фетр ва ҳоказолар.

Стол ўиннини тайёрлаш учун материал танлашнинг асосий омили – уларга ишлов бериш ва фойдаланишдаги хавфсизлиқдир.



1. Суратларни кўриб чиқинг. Кўрсатилган ўиннлар қандай материаллардан ясалган?
2. Бу материалларнинг ижобий ва салбий хусусиятларини атанг ва ёзинг.

Энг экологик хом ашё – ёғоч. Унга ишлов бериш давомида одам организми ва атроф-муҳит учун зарали бўлган моддалар ажралиб чиқмайди.

Пайраҳа – ишлаб чиқариш (ёғочга ишлов беришда) қолдиқлари – иккиламчи хом ашё сифатида қўлланишга бўлади. Фойдаланиш муддати тугагандан сўнг ёғочдан ясалган буюмни бошқа мақсадларда қайта қўлланишга бўлади.



Ёғочнинг ҳар хил турларининг намуналари билан тажриба ўтказинг.

1. Уларнинг физик ва механик хоссаларини аниқланг.
2. Стол ўйини қисмларини тайёрлашга кўпроқ тўғри келадиган ёғоч турларини атанг.
3. Тажриба натижаларини синфдошларингиз билан бўлишинг.



Стол ўйинларининг таркибий қисмлари



1. Ўйин элементларини (қисмларини) тайёрлашга кўпроқ маъқул бўладиган материал ва иш қуролларини танлаб олинг.
2. Жадвални тўлдиринг.

Ўйин элементлари	Материаллар	Иш қуроллари
Ўйин майдони		
Фишкалар		
Топширикли варақчалар		
Юришни аниқлаш учун кубик		



Амалий ишни бажаришдан аввал хавфсизлик техникаси қоидаларини тақорланг.



1. Ўз стол ўйинингиз учун зарур қисмларни ясашнинг тартибини ишлаб чиқинг.
2. Шу қисмларни ясанг.



Стол ўйинларининг таркибий қисмлари



Ишни бажариш давомида қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?

§ 16. СТОЛ ЎИНИНИ БАДИЙ БЕЗАТИШ



Тасвирларни кўриб чиқинг. Стол ўйинларини безатиш учун қандай усуллар танланганини аниqlанг.



Стол ўйинларини бадий
безатиш

Бадий безатиш деганимиз – турли усуллар билан буюмга манзарали безак бериш.

Бадий безатиш стол ўйинининг функционал ва эстетик томонларини яхшилаш имконини беради. Ёғодан ясалган стол ўйинларини бадий безатишнинг кенг тарқалган турларидан бири – пирография. Бу техникада қўлланиладиган турли хил учликлар керакли қалинликдаги чизиқларни кўйдириш ва ҳар хил нақшлар чизиш имконини беради.

Лаклаш ёғоч буюмнинг сифатини сақлашга ёрдам беради.

Кўпинча мойли лаклар қўлланилади, улар буюм юзасини ялтироқ қиласади. Лак ишлов берилаётган юзага чўтка билан текис ва равон ҳаракатлар орқали бир неча қатламда суртилади.

Мойли лаклар билан бир қаторда, шунингдек тез қурийдиган спиртли лаклар ҳам қўлланилади. Уларни губка ёрдамида ёғоч толаларининг йўналиши бўйлаб енгил босиш орқали суртиш керак.

Пластикдан ясалган стол ўйинининг қисмларини босмада қўлланиладиган ўзи ёпишадиган плёнка билан безатишга бўлади. У текис силлиқ юзаларни қоплаш учун ҳамда қаттиқ материалларга ёпиштиришга жуда ҳам кулай.



1. Стол ўйинларини безатиш бўйича ўз нусхангизни ўйлаб топинг.

2. Буюмнинг функционал ва эстетик сифатини яхшилаш учун материалларга ишлов бериш ва безатиш усулларини атанг.

3. Сиз таклиф этган безатишнинг афзалликларини кўрсатиб, ўз ғояларингизни синфдошларингиз билан бўлишинг.



XТ

Амалий ишни бажаришдан аввал хавфсизлик техникиси қоидаларини такрорланг.



Стол ўйинларини бадий безатиш



1. Тайёр буюмга бадий безак беринг.

2. Стол ўйинини сақлаш ва ўрашга оид таклифларингизни айтинг.

3. Ишингизга баҳо беринг.



1. Сизнинг стол ўйинингизни безатиш учун қандай материал ва иш қуроллари зарур?

2. Ўз ғоянгизни амалга ошира олдингизми?

Стол ўйинининг номи, уни ўраш ва қадоқлаш дизайни алоҳида эътиборни талаб этади. Улар ўйиннинг умумий моҳиятини акс эттириши лозим.

Белгилар, ранглар ва бошқа график элементлардан моҳирона қўлланиш ўйинчиларга ўйин мазмунини тушунишга ёрдам беради, диққат-эътиборни бевосита ўйин жараёнига қаратишга имкон беради.

§ 17. ЎЙИННИ СИНОВДАН ЎТКАЗИШ. САВОЛНОМА ЮРГИЗИШ ВА АХБОРОТ ТҮПЛАШ



Ўйинни синовдан ўтказиш



Сизнинг фикрингизча, ўзингиз яратган ўйиннинг кучли томонлари ва камчилигини қандай қилиб аниқлашга бўла-ди?

Тайёрланган буюмни яхшилаш, унинг кучли томонлари ва камчилигини аниқлашда ўйинни синовдан ўтказиш ва ўйинчилар орасида саволнома юргизиш чоралари ёрдам беради.

Аввал, мустақил равишда ўйиннинг барча босқичларидан ўтиш кепрак. Бу ўйин қисмларининг қандай ишлаши ҳақида ахборот түплашга кўмаклашади. Бир неча марта ўйнаб, ўйиннинг афзалликлари ва камчиликларини ёзиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Сўнгра ўзгаришлар киритиш мумкин.



1. Ўйинни дўстларингизга (синфдошларингиз, отонангиз ва бошқаларга) таклиф этинг.
2. Синов мақсади ҳақида огохлантиринг.
3. Ўйиннинг моҳиятини тушунтиринг.
4. Савол-жавоб давомида:
 - ҳар бир ўйинчининг ҳаракати ва бошқа ўйинчилар билан ўзаро муносабатини;
 - балл түплаш тизимининг қулиялигини;
 - барча қоидаларнинг тушунарлилигини;
 - ўйиннинг қизиқишиш уйғотишини;
 - бу қизиқишининг бутун ўйин давомида сақланишини;

- ўйиннинг зериктирмаслиги-ни аниқланг.

5. Ўйинчиларнинг кайфиятини кузатинг (ўйин бошланишида, ўйин вақтида ва тугагандан сўнг).

6. Уз кузатувингизни ҳамда ўйинчиларнинг барча танқидий мулоҳазалари ва таклифларига эътибор беринг ва ёзиб олинг.

Синов сўнгига ўйинчилардан саволнома олиш керак. Бу олинган натижаларни тўплаш ва тартибга солишга ёрдам беради.



1. Саволнома сўроқларини тузинг.

2. Саволнома иштирокчилари-ни (респондентларни) аниқланг.



1. Ўйин сўнгига ўйинчилар орасида саволнома юргизинг.

2. Олинган маълумотларни таҳлил қилинг ва таснифланг.

3. Фойдаланилган ғояларнинг баҳоси ва таҳлилига асосланиб, ўз ишингизни мукаммаллаштириш бўйича ўзгаришлар киритинг.



1. Ўйинни синовдан ўтказиш ва ўйинчилардан саволнома олиш вақтида қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?

2. Синовга қатнашувчиларнинг фикрлари ва изоҳлари сиз учун қанчалик фойдали бўлди?

Ўйинни синовдан ўтказиша:

- синовдан ўтказувчиларни тўғри танланг. Уларнинг жинси ва ёши стол ўйинининг мақсадли аудиториясига мос бўлиши керак;


- ўйинга янги қоидалар киритманг;

- ўйиннинг қанча вақт давом этганини аниқлаш учун бошланиши вақтини белгиланг. Ўйиннинг аниқ вақтини билиш керак;

- ўйиннингизни яхшилашга ёрдам берадиган танқидни тўғри қабул қилинг.

Стол ўйинининг синовдан ўтказилиши жараёнини кузатувчилари (экспертлар) сифатида дўстларингизни, ўқитувчиларни, отаоналарни ва бошқаларни жалб қилишга бўлади.

Ҳар бир иштирокчини бир неча эксперт кузатади



Синов вақтида ўйинчиларнинг ва кузатувчиларнинг жойлашиши

§ 18. ИШЛАР НАМОЙИШИ



Афиша



Кўпчилик учун стол ўйинларини намойиш қилишни қандай ташкил қилишга бўлади?

Стол ўйинларини намойиш қилишнинг қизиқарли усулларидан бири фестиваль ҳисобланади.

Фестиваль – бу ўз ғояларини намойиш этиш, бажарилган ишларнинг баҳосини билиш, бошқа қатнашувчиларнинг ғоялари билан танишиш имконидир.

Фестивални ташкил этиш кутилган натижага олиб келиши учун пухталик билан тайёргарлик кўриш керак, унда:

- унинг мақсади ва вазифаларини аниқланади;
- ўтказиладиган ўринни танланади;
- ўтказишнинг аниқ режасини тузилади;
- қатнашувчилар ва тадбирнинг иш тартиби аниқланади;
- ахборий қўллаб-қувватлаш во-ситалари ташкил этилади.



1. Фестивални ташкил этиш бўйича мажбуриятларни тақсимланг (дизайнерлар, бошловчилар, пиар-мутахассислар, сценарийчилар, овоз режиссерлари, модераторлар, геймусталари, фотосуратчилар, журналистлар ва бошқалар).

2. Фестивалнинг номини, эмблемасини, афишасини, декорацияси, қатнашувчилар учун сертификатларни ўйлаштиринг.

Фестиваль унга келувчи ва қатнашувчилар ёши ва қизиқишларига қарамасдан ўзига муносиб ўйин топа оладиган жой бўлиши жоиз.

Фестиваль давомида турнирлар, стол ўйинларининг савдо-ярмарасини ўтказишига бўлади.



Стол ўйинини кўпчиликка тақдим этинг (танлов бўйича).

1. Тадбирни ўтказиш учун ўрин танланг.

2. Реклама ташкил этинг.

3. Қатнашувчилар ва томоша-бинлар учун таклифномалар тайёрланг.

4. Ташкилий-техник воситалар ҳақида ўйланинг (музиқа, интерфаол ускуна ва бошқалар).



Мактаб сайтида ва ижтимоий тармоқларда ўтказилган тадбир бўйича таассуротларинги билан бўлишинг.



Фестиваль ўтказиш

1. Ишингизнинг натижасидан мамнунмисиз?

2. Сиз учун нима қийин бўлди?

3. Синовга қатнашувчиларнинг фикрлари ва изоҳларини ҳисобга олиб, буюмнинг сифати ва эстетик кўрининшини яхшилаш учун қандай ўзгаришлар киритишни хоҳлар эдингиз?

Ү Й МАДАНИЯТИ

Бўлимни ўзлаштириш натижасида:

- ўсимликишуносликдаги илмий янгиликлар ва услублар билан танишасиз;
- ўсимликишуносликда илм-фаннынг ролини ўрганасиз, қишлоқ хўжалигининг ривожланишида қўлланилган илмий услубларни муҳокама қиласиз, таққослайсиз ва баҳолайсиз;
- электр ускуналари ва майший техниканинг эксплуатацион (фойдаланиш), эргономик (қулайлик) ва эстетик сифатларини мустақил равишда таққослайсиз ва баҳолайсиз;
- электр ускуналари ва майший техникани мустақил равишда баҳолаш ва танлашни ўрганасиз;
- турмушдаги таъмирлаш ишлари учун замонавий материалларни, ускуналар ва асбобларни танлашни ва улардан фойдаланишини ўрганасиз;
- таъмирлаш ишларидаги нуқсонларни хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилган ҳолда бартараф этишини ўрганасиз.



Таъмирлаш куроллари

§ 19. АГРОТЕХНОЛОГИЯ-НИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ИЛМ-ФАННИНГ РОЛИ (МУСТАҚИЛ ТАДҚИҚОТ)

Қишлоқ хұжалиғы Ауылшаруашылығы Сельское хозяйство Agriculture



Гидропон тизимида помидор етишириш



Агропанелда ўсимлик етишириш



Қишлоқ хұжалиғи экинларининг ҳосилдорлигини оширишга ёрдам берадиган шароитларни атанг.

Илмий билим ва дунё сирларини тушуниш одамзотта мұхим иқтисодий, ижтимаий ва экологик муаммоларнинг ечимини топиш имконини беради.

Илм-фан атроф-мухит ҳақида ғамхүрлік қишли билан биргаликта агротехнологияның барқарор ривожланишини таъминлашда мұхим роль йүнайди.

Агротехнология – экологик хавғасызлик ва иқтисодий самарадорликни ҳисобға олган ҳолда қишлоқ хұжалиғи ўсимликтарнинг ҳосилдорлиғи ва сифатини бошқариш бүйіча технологик операциялар мажмуди.



Турли ахборот манбала-ридан фойдаланиб, мамлакатимизда ва чет элларда фойдалана-ниладиган агротехнологияларни атанг.

Дәхқончиликдаги замонавий тизимлар ўсимликтарнинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароитлар билан таъминлайди. Вақт ўтган сари технологиялар оддий ва са-марали, озиқ-овқат маҳсулотлари эса сифатлироқ ва фойдалыроқ бўлиб бормоқда.

Олимлар экин ўсимликларини етиширишнинг турли усулларини ўйлаб топишиди (аквапоника, гидропоника ва ҳоказо).

Агропанелларни кашф этиш туфайли нокулай иқлим шароитида очиқ тупроқда экологик тоза сабзавот етишириш муаммоси ечилди.

Мевали ва сабзавот экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун катта ҳажмдаги сув заҳирасини талаб этилади.

Томчилаб сугориш – сувни озоддан томчилатиб бериш ва сув билан бирга ўсимлик учун зарур бўлган барча моддалар бевосита томирга етказиладиган сугориш усули.



«Қозогистондаги агротехнологияни ривожлантириша илм-фаннынг роли» мавзусида тадқиқот ўtkазинг.

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш ва ўсимликшуносликни ривожлантириша маҳаллий шароитларнинг аҳамиятини баҳоланг.

2. Ахборот-коммуникатив технологияларни фойдаланиб, олинган маълумотларни расмийлаштиринг.



1. Сизнинг минтақангизда қишлоқ хўжалигининг қандай соҳалари ривожланган? Нима сабабдан?
2. Минтақангизда қандай агротехнологиялар кўлланилади?
3. Ўсимликшунослик билан боғлиқ бўлган қандай касбларни биласиз?



Томчилаб сугориш



Аквапоника қурилмаси



Фитопирамида

§ 20. ЭЛЕКТР АСБОБЛАРИНИ ВА МАИШИЙ ТЕХНИКАНИ ТАНЛАШ ВА БАҲОЛАШ

**Маиший техника
Тұрмыстық техника
Бытовая техника
Household appliances**



Музлатгич



Идиш ювиш машинаси



Сизнинг фикрингизча, уйда электр асбобларининг қайсиси күпроқ зарур? Нима сабабдан?

Хозирги замонда одам ҳаётини электр асбобларисиз тасаввур қишлиш мүмкін эмас.

Электр асбоби – бу электр токи ёрдамида ҳаракатта келтирилладиган ва мәттүлум бир вазифани бажарадиган техник қурилма.

Кундалик түрмушда құлланиладиган, уй ишини енгилләтиш учун мүлжалланған ва инсон ҳаётида қулагылыш яратылаша ёрдам берадиган электр асбоблари *маиший техника* ҳисобланади.



«Электр асбоблари: фойдалыми ёки зиёнли?» мавзусида мунозара үтказинг.

Ҳар бир электр асбобининг техник паспорти бўлади. Унда кучланиши, қуввати, стандарт тартиб рақами, чиқарилган йили, ишлаб чиқарувчининг номи; фойдаланиш қоидалари кўрсатилган қўлланма, сақлаш хусусиятлари, бўлиши мүмкін бўлган носозликлар ва уларни бартараф этиш сабблари, кафолатли мажбуриятлар кўрсатилади.

Электр асбобининг ҳизмат қилиш муддати ундан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишга боғлиқ.

Электр асбобларини танлаш ва баҳолаш катта аҳамиятга эга.

Электр асбобларига ва майший техникага қўйиладиган талаблар:

- фойдаланиш муддати;
- эстетик хусусиятлари;
- экологик хусусиятлари;
- хавфсизлиги;
- қувват истеъмоли.



Майший техника рекламасини тадқиқ этинг. Уларда кўрсатилган техник маълумотларни аниқланг ва таққосланг.



Сув иситгич



1. Битта электр асбобини танланг.
2. Унинг ишлатилиши, эргономик ва эстетик сифатларини ўрганинг ва баҳоланг.
3. Турили хил ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим этилган электр асбобларининг тавсифини таққосланг.
4. Тавсифлар бўйича энг мақбул нусхасини танланг.
5. Иш натижасини жадвал кўринишида беринг.

Электр асбобиниг тавсифи	Ишлаб чиқарувчи (маркаси)



1. Ҳозирги замонда майший техникасиз ҳаёт кечириш мумкинми? Нега?
2. Электр асбобларини ва майший техникани танлашда нималарга эътибор бериш керак?
3. Ўйингиздаги майший техникани замонавийлаштиришни хоҳлармидигиз? Бунинг учун нима қилар эдингиз?



Салқинлатгич

§ 21. ХОНАЛАРНИ ТАЪМИРЛАШГА МҮЛЖАЛЛАНГАН ЗАМОНАВИЙ МАТЕРИАЛЛАР, АСБОБ-УСКУНАЛАР ВА ИШ ҚУРОЛЛАРИ (АМАЛИЙ ИШЛАР)

Хонани таъмирлаш Бөлмені жөндеу Ремонт комнаты Room repair



Деворга мүлжалланган
пүкак қоплама



Гипс-винилли панель



Хонани таъмирлаш ишларининг қандай турларини биласиз? Уларнинг хусусиятлари нимада?

Таъмирлаш ишлари ўзининг ҳажми ва турларига қараб косметик (жорий) ва капитал (тўлик) таъмирга бўлинади. Косметик таъмирга деворларни, шифтни бўяш, гулқоз алмаштириш ва шу сингарилар киради. Сантехникини алмаштириш, девор, шифтни текислаш ва бошқалар капитал таъмирга киради.

Янги технологиялар ва замонавий қурилиш материаллари хонани таъмирлаш жараёнини сезиларли даражада жадаллаштиради.



Каталог ва интернет-ресурслардан фойдаланиб, қурилиш молларининг ассортиментини ўрганинг.

Сизнинг фикрингизча, қандай материал ва иш қуроллари замонавий саналади?

Танлаган вақтда материалларнинг экологик томондан фойдали бўлишига эътибор бериш лозим: лойғиш ва сопол буюмлар, гипсдан ишланган материаллар, органик асосдаги линолиум, қофоз ёки пенобетон асосидаги иситгич, табиий бўёқлардан фойдаланиб, дебраза ва эшиклар ёғочдан бўлгани маъқул.

Бундай қурилиш материаллари нинг одамга салбий таъсири бўлмайди, уларни тайёрлашда атрофмұхит ифлосланмайди.



Тасвирларни кўриб чиқинг ва уларнинг орасидаги экологик тоза материалларни аниқланг.

Таъмирлаш ишларининг ишончлилиги ва қулайлилиги материалларни фойдаланиш сифати ва бинонинг функционал вазифасини ҳисобга олган ҳолда тўғри танлашга боғлиқ.



Материалларни синааб кўринг. Ошхонани таъмирлашга тўғри келадиганларини танлаб олинг. Ўз танловингизни асослаб беринг.

Ахборотни синфдошларингиз билан ўртоқлашинг.

Замонавий асбоб-ускуналар ҳар қандай ишни янада сифатлироқ бажаришга ёрдам беради. Масалан, кувватли электрбурагични бурама михни қотириш билан бир қаторда парма, қурилиш миксери сифатида фойдаланишга бўлади. Нақш ўйиш, тешик бургулаш, бурама михни бураш, уриб-бураб төшиш учун қўлланиладиган электр пармаси кенг тарқалган.



Хонани таъмирлаш ишларида қўлланиладиган иш қуроллари ва асбоб-ускуналарни атанг.



Эгилувчан ғишт



Экологик панеллар



Турмушдаги таъмирлаш ишларидаги нуқсонлар

Кичкина таъмирлаш иши бинонинг умумий интерьерига кириш масдан ва кенг кўламли ишларни бошламасдан нуқсонларни эрта босқичда бартараф этиш ва безаш материалларига янада зарар келтиришдан сақлаш имконини беради.

Шунингдек бу оддий таъмирлашга кетадиган ҳаражатни сезиларли даражада камайтиради, чунки уни амалга ошириш учун кўп миқдордаги материал ва асбоб-ускуналар талаб этилмайди. Кўпинча муаммони аввалги таъмирлаш ишларидан қолган, кўлда бор иш қуроллари ва материалларнинг имкониятларидан фойдаланиб, бартараф этишга бўлади.



1. Турмушдаги таъмирлаш ишларини бажаришда йўл қўйилган нуқсонларнинг тасвирини кўриб чиқинг.
2. Уларни бартараф қилиш нинг оқилона усулларини таклиф этинг.
3. Сизга қандай материал, иш қуроллари ва асбоб-ускуналар керак бўлади?

Таъмирлашда йўл қўйилган нуқсонларни бартараф қилиш бўйича тавсиялар:

1. Кошин тоштахталарини бир оз вақт сувга солиб қўйилса, кесиш вақтида шикастланмайди.
2. Гулқоғоз текис ёпишмай қолса, елимни оқ вараққа юпқа қилиб суртиб олиб, очила бошлаган жойининг ички томонидан юргизиб чиқиш керак. Кейин гулқоғозни деворга ёпиштириб туриб ички томонида ҳаво қолмаслиги учун устидан қурғоқ латта билан ишқалаб суртиш керак.

3. Полдаги тешикни ямаган вақтда шикастланган жойига линолеум солиб, сүнг ўткир пичоқ билан иккала қаватни (бузилган ва янгисини) кесиб олса, ямоқ тушгани билинмайды. Кейин эскисини олиб ташлаб, ямоқни елимлаш керак.

4. Девордаги кичкина ёрикни таъмирлаш учун, аввал унинг ички томонини чанг ва ифлосдан тозалаб, кейин оддий шприц ёрдамида ёриқка грунтовка қуиши керак.

XТ

Амалий ишни бажаришдан аввал хавфсизлик техникаси қоидаларини такрорланг.



1. Синфингиизда қандай таъмирлаш ишларини ўтказиш зарур?

2. Таъмирлаш учун сиз қандай замонавий материалларни қўлланасиз? Танловингизни асосланг.

3. Сизга қандай иш қуроллари ва асбоб-ускуналар керак бўлади?

4. Қуроллар билан хавфсиз ишлаш тўғрисида эслатма тайёрланг.


5. Зарурий таъмирлаш ишларини бажаринг (танлов бўйича).



1. Дарсда қандай янги ахборот олдингиз? Қандай кўнилмалар эгалладингиз?

2. Бу билим ва кўнилмалар келажакда сизга ўз фойдасини берадими?

3. Таъмирлаш ишлари билан боғлиқ бўлган қандай касбларни биласиз?



Турмушдаги таъмирлаш ишларидаги нуқсонлар

САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА ТАЛАБЛАРИ

1. Иш бошлаш олдидан құлни совун билан яхшилаб ювиш керак.
2. Ёруглик манбаи чап ёки олдинги томонда бўлиши керак.
3. Қулай ва ишончлилик учун иш асбоблари ва мосламаларини текис ва тоза жойга жойлаштириш зарур.
4. Иш қуроллари ва асбоб-ускуналарни маҳсус мўлжалланган жойда сақланг. Иш қуроллари ва асбоб-ускуналарни бир-бирининг устига, ўринсиз ташлаб ташлашга бўлмайди.
5. Иш вақтида танаффус қилиш лозим.

ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ ҚОИДАЛАРИ

• *Ўқувчиларнинг устахонадаги одоб-ахлоқ қоидалари*

1. Маҳсус кийимда ишланг. Маҳсус кийимнинг (четлари) учлари, бочичлари чиқиб, осилиб турмаслиги лозим. Сочларингизни бош кийим остига йиғинг.
2. Фақат ўқитувчи берган вазифани бажаринг, ишларнинг белгиланган кетма-кетлигига риоя қилинг. Гавдангизнинг ишчи ҳолати тўғри эканлигига эътибор беринг.
3. Фақат тузилиши сизга маълум бўлган асбоблардан фойдаланинг.
4. Фақат бутун иш қуроллари билан ишланг. Иш қуролларини иш жойида фойдаланиш учун қулай қилиб жойлаштиринг.
5. Иш вақтида гаплашманг ва бошқа нарсага чалғиманг.
6. Иш жойингизни тоза ва озода тутинг. Асбоб-ускуналар, иш қуроллари ва материалларга эҳтиёткорона муносабатда бўлинг.
7. Дарс сўнгидаги иш жойини тартибга келтиринг, буюм ва иш қуролларини ўқитувчига топширинг.

• *Ҳалокатли вазиятларда хавфсизлик талаблари*

1. Иш қуроллари носоз ва ўтмас бўлган ҳолда ишни тўхтатиш ва бу тўғрисида ўқитувчига хабар бериш зарур.
2. Жароҳат олганда тез ўқитувчига хабар бериш керак.

• Мозаика билан ишлаганды

ишни бошлашдан аввал:

1. Ўз иш жойингизни тайёрланг, у ерда фақат зарурий иш қуроллари бўлсин.
2. Фойдаланиладиган иш қуроллари ва уларнинг дастасининг бутунлигини текширинг.

иш вақтида:

1. Сопол плиткани болға ёрдамида синдиринг. Майда синиқлари ҳар томонга учмаслиги учун уни қалин матога ўраб олинг.
2. Ойна кескичдан фойдаланганда фақат мукаммал силлиқ ва қаттиқ юзада ишланг.

иш тугагандан сўнг:

1. Иш жойини йигиштиринг.
2. Махсус кийимни ечинг ва қўлингизни совун билан ювинг.

• Чарм билан ишлаганды

ишни бошлашдан аввал:

1. Иш ўрнингизни фақат керак бўладиган асбобларни жойлаштириб, тайёрлаб олинг.
2. Ҳамма асбоб ва мосламаларнинг ишга яроқлигига ишонч ҳосил қилинг.

иш вақтида:

1. Игналарни иш жойида қолдирманг.
2. Ипни қайчи билан қирқинг.
3. Қайчиларни эҳтиёткорлик билан фойдаланинг, учларини ёпиқ холатда тутиб, бир-бирингизгизга дастасини олдинга қилиб узатинг.

иш тугагандан сўнг:

1. Иш қуролларининг тўлиқ эканлигини текширинг ва иш жойини тартибга келтиринг.
2. Махсус кийимни ечинг ва қўлингизни яхшилаб ювинг.

• Ёғочга қўл асбоблари билан ишлов беришда

ишни бошлашдан аввал:

1. Керакли қурол-аслаҳаларнинг тўлиқ бор эканлигини текширинг.

2. Иш қуролларининг хавфсиз ҳолатда (бузилмаган, шикастланмаган) эканлигига ишонч ҳосил қилинг. Уларнинг дастаси ёрилмаган бўлиши ва асосга маҳкам ёпишиб туриши керак.

3. Ишни фақат яроқли, яхши созланган ва чархланган иш қуроли билан бажаринг.

иш вақтида:

1. Ишлов бериладиган материални исканжага маҳкам қотиринг.
2. Доимо ўрнатилган тиргак ва тагига тўшаладиган мосламалардан фойдаланинг.

3. Топшириқни бажариш вақтида иш қуролига зиён келтирсангиз ёки синдириб қўйсангиз ишни тўхтатинг.

4. Материалларга ишлов бериш ва уларни бириктириш жараёнида зарбали, кесиш асбоб-ускуналари, елим билан ишлашда алоҳида эҳтиёткорликка амал қилинг.

5. Материални арралашда камалакли дастарра тасмасининг таранглик даражасини кузатиб туринг.

иш тугагандан сўнг:

1. Иш жойини тозаланг.
2. Махсус кийимни ечинг ва қўлингизни совун билан ювинг.

• Ёғочга механик ишлов бериш вақтида

ишни бошлишдан аввал:

1. Махсус кийим ва иш пойафзалини кийинг (махсус кийим танага мос туриши ва унинг осилиб турган учлари бўлмаслиги керак).

2. Дастроҳнинг ҳимоя мосламалари бор эканлигини текширинг.

3. Ерга улаш симининг ишончлигини текширинг, ток ўтказувчи кабель, симларни ва уларнинг изоляциясини кўриб чиқинг.

4. Дастроҳни ёкиш тутунлигини, ишга қўшиш ва тўхталиш қурилмаларининг ишончлилигини текширинг.

5. Кесиш асбобларининг юзасини синчиклаб кўриб чиқинг, унда ўйилган ёки дарз кетган жойлари йўқлигини, асбоб дастага ёки тутқичга маҳкам ўрнатилганлигини, сифатли чархланганлигини текширинг.

6. Танаворнинг ишчи валга мустаҳкам қотирилганлигини текширинг.

7. Дастроҳда ишлаш хавфсизлигини таъминлайдиган турли мосламаларнинг (ҳимоя экрани) борлигини текширинг.

8. Салт юриш режимида дастроҳнинг ишлашини текширинг.

9. Шахсий ҳимоя воситаларининг борлигини текширинг.

иш вақтида:

1. Дастроҳда ишлашни вал айланишининг муқаррар тезлиги ўрнатилгандан сўнг бошланг.
2. Танаворга ишлов беришни равон, узлуксиз ва силтовларсиз ҳаракатлар билан амалга оширинг.
3. Дастроҳнинг олдида қисмлар, шохчалар ва шу сингарилар нарсалар учуб чиққанда жароҳат олмайдигандай туриш лозим.
4. Қўлингизни ва иш қуролларини айланаётган валдан узоқроқда ушланг.
5. Ҳар бир қисмни йўниш ёки фрезерлашнинг охирида маҳсус турткичдан фойдаланинг.
6. Қўзлар жароҳатланишининг олдини олиш мақсадида ҳимоя кўзойнаги ёки экранидан фойдаланинг.
7. Дастроҳ ишлаб турган вақтда уни қириндидан тозаламанг, шунингдек дастроҳнинг айланиб турган қисмларини кўл билан ёки кўл остидаги воситалар билан тўхтатишга бўлмайди.
8. Дастроҳни ўчирмасдан туриб бошқа иш билан шугулланиш, гаплашиш, дастроҳнинг олдидан кетиб қолиш тақиқланади.
9. Иш жараёнида қўлланилган иш қуроллари, мосламалар, танаворларни столда ёки дастроҳнинг станинасида қолдириш ман этилади.

иш тугагандан сўнг:

1. Дастроҳни ўчиргандан сўнг уни маҳсус чўтка ёки маҳаллий сўргич ёрдамида пайраҳа ва қолдиқлардан яхшилаб тозаланг.
2. Қолдиқларни кўл билан қоқиб ташлаш ёки сиқилган ҳаво билан пуфлаш ман этилади.
3. Қолдиқларни темир кутига жойлаштиринг, кути тўлгандан кейин уни ўртоғингиз билан устахонанинг сиртига чиқариб қўйинг.
4. Қисмларни, иш қуролларини ва мосламаларни ўрнига олиб қўйинг; дастроҳнинг кўринмайдиган жойларида майда иш қуроллари қолиб кетмаганлигини текширинг.
5. Дастроҳни кейинги фойдаланишга тайёрлаб қўйинг (тасмаларнинг таранглигини кучайтиринг, кесиш қуролининг қотирилганини текширинг, подшипник ва бошқа ишқаланадиган қисмларни мойланг ва ҳакоза).

• Электр асбоблари билан ишлашда

ишни бошлашдан аввал:

1. Ҳамма қисмларнинг ишончли маҳкамланганлигини ва зарур эҳтиёт қисмларининг борлиги текширинг. Асбобга қараб ҳимоя қопламаларининг, токка уловчи симининг, вилкасининг бутунлиги ва ишга яроқлигини текширинг.
2. Асбобни ишга қўшгандан сўнг носозлик пайқалса, дарҳол уни ўчириб ва бу ҳақда ўқитувчига хабар беринг.
3. Асбобнинг ишлашини ва уни ишга қўшиш ботирмасини бўш айланышда (ортиқ куч солмасдан) текширинг.
4. Асбобдан техник тавсифномасига мувофиқ фойдаланинг, электр сақлагичи ушбу асбобдан фойдаланиш бўйича йўриқномаларда кўрсатилганга мос бўлиши шарт.

иш вақтида:

1. Иш вақтида ҳушёр бўлинг, гаплашманг, чалғиманг ва ўзгаларни чалғитманг.
2. Фақат хавфсиз амалга ошириш шартлари сизга маълум ишни баҗаринг.
3. Дастасида изолиация қопламаси бор қуролдан ёки ва диэлектрик қўлқопдан фойдаланинг.
4. Ишлаб турган асбобни узатманг ёки ўзингизга олманг.
5. Токка уловчи симининг таранг тортилиб, чалкашиб, ўралиб қолмаганингига, шунингдек нам ёки мой юзаларга тегмаганлигига эътибор беринг.
6. Агар асбобдан фойдаланиш вақтида куюқ ҳиди, одатдагидан ўзгача шовқин ёки тебраниш пайқалса, ёки ишга қўшиш ботирмаси нотўғри ишласа дарҳол ишни тўхтатинг ва бу ҳақда ўқитувчига хабар беринг.
7. Ишлаб турган асбобни қаровсиз қолдирманг.

иш тугагандан сўнг:

1. Ишни тугатгандан сўнг ҳамма асбобларни ўчиринг.
2. Асбоблар электр токидан ажратилганлигига ишонч ҳосил қилинг.
3. Иш ўрнингизни тартибга келтиринг.

• Тұрмушдагы таъмирлаш ишларыда

ишни бошлашдан аввал:

1. Таъмирлаш ишларини бажариш учун фойдаланиладиган ҳамма асбоблар ва мосламаларнинг ишга яроқлигига ишонч ҳосил қилинг.
2. Асбоб ва мосламалардан фақат бевосита қўлланиш мақсадига мувофиқ фойдаланинг.
3. Ҳар қандай ишни бажарганда маҳсус кийим, нафас олиш ва кўриш аъзоларини ҳимоя қилиш воситаларини кийинг.
4. Хавфсиз ишлаш учун иш ўрнингизни пухталик билан тайёрланг, ортиқча нарсаларни олиб ташланг, ёргулукнинг етарлилига ишонч ҳосил қилинг.

иш вақтида:

1. Иш ўрнингизни тоза ва саранжом ушланг.
2. Материаллардан эҳтиёткорлик билан ва йўриқномасига мувофиқ фойдаланинг.
3. Таъмирлаш материалларини иссиқлик манбаларидан узоқда ва фақат иш учун етарли миқдоридагина сақланг.
4. Тез тутайдиган материалларни йигиштирмасдан, дуч келген жойга тўплаб ташламанг.
5. Пайқалган барча носозликлар ва вужудга келган хавфлилик тўғрисида дарҳол ўқитувчига хабар беринг.
6. Тўкилган лак-бўёқ материалларини дарҳол қуруқ, сингдирувчан латта билан тозалаб олинг. Катта миқдорда тўкилган материаллар устуга қуруқ кум сепинг. Булғанган латталарни, чиқиндиларни вақтинча сақлаш учун ажратилган маҳсус жойга чиқариб қўйинг.
7. Бўёқ ишларини дераза ойналари очиладиган ёки сунъий шамоллатиладиган хоналарда бажаринг.
8. Юзаларни зангдан, эски бўёқлардан тозалаганда ҳамда силлиқлаш пайтида респиратордан фойдаланинг.

иш тугагандан сўнг:

1. Иш ўрнингизни тартибга келтиринг.
2. Фойдаланилган асбоблар ва иш қуролларини тозалаб, уларни ўз ўрнига олиб қўйинг.

ЛУГАТ

Манзарали-амалий санъат

Бадиий безатиш – тайёр буюмни күргазмада намойиш этиш учун безатишга оид бадиий ечим.

Интернет-аукцион – товарлар, санъат асарлари ва шу сингари бошқа объектларни олдиндан ўрнатилган қоида асосида Интернет орқали кўпчиликка сотиш.

Модератор – Интернет ёки ижтимоий тармоқдаги форум ёки суҳбат бошқарувчиси.

Мозаика – материалы (тош, смальта, сопол плитка ва ҳоказо) бўйича бир хил ёки турли хил ушоқ парчалардан маълум асосга териб ясалган тасвир ёки нақш.

Мозаикали панно – мозаика техникасида ишланган, маълум бир маънога эга бўлган расм ёки нақш ҳосил қилувчи ва бадиий ёки амалий вазифани бажарувчи асар.

Мозаикани тескари териш усули – асосга мозаикани ўнг тарафиди настга қаратиб териш усули.

Мозаикани тўғри териш усули – асосга мозаикани ўнг тарафини тепага қаратиб териш усули.

Мозаикачи (кошинкор) – мозаика техникасида ишлайдиган расом ёки манзарали-амалий санъат устаси.

Санъатшунос – санъат назарияси бўйича мутахассис.

Смальта – металл оксидлари билан шишанинг бир турдаги хира коришмасининг бўлаклари туридаги, мозаикали панно ясашга мўлжалланган анъанавий материал.

Тесссер – мозаика тузишда ишлатиладиган (сопол, тош ёки шиша) кичкина парчалари.

Фотосуратчи – фотосурат бўйича мутахассис.

Шаблон (андаза) – ўйиқлари бор пластина, унинг контури бўйича чизмалар ёки бирон-бир буюм ясалади.

Дизайн ва технология

Акрил – шаклларга қуйиш усули билан қисмлар тайёрлашда қўлланиладиган пластмассанинг бир тури.

Буюмни пардозлаш – буюмнинг кўринишини яхшилаш ва ташқи таъсирдан ҳимоя қилиш мақсадида унга сўнгги ишлов бериш.

Винил плёнкаси – бир томонида манзарали безаги, бир томонида елим қатлами бор плёнка.

Газлама – түқима ёки ўрилган иллардан ишланган материал.

График рассом – реклама (афишалар, буклетлар) ва полиграфия (журналлар, каталоглар, китоблар) маҳсулоталарини ишлаб чиқиш бўйича мутахассис.

Дурадгор – ёғочга ишлов бериш ва ундан буюм ясаш бўйича мутахассис, ишчи.

Ёғоч – дараҳт поясидан арралаш орқали олинадиган табиий материал.

Ёғоч устаси – ёғочга оддий ишлов бериш, ёғоч бинолар қуриш билан шугулланадиган ишчи.

Журналист – ҳар хил мавзуда мақола ва шунга ўхшаш асарлар тайёрлаш билан шугулланадиган адабий ходим.

Лойиҳалаш ҳужжатлари – буюмнинг таркиби ва тузилиши кўрсатилган, уни лойиҳалаш, тайёрлаш, назорат қилиш, ишлатиш, таъмирлаш ва фойдаланишга мансуб маълумотлар бор график ёки матнли ҳужжатлар.

Маиший буюмлар – кундалик ҳаётда, уй ичини безатишда қўлланиладиган турли асбоб-анжомлар, жиҳоз, меҳнат қуроллари.

Материалларга ишлов бериш – буюмларга бадиий қиймат ва истеъмолчилик хусусиятларини бериш мақсадида материалларга турли ишлов бериш воситалари, усуслари ва услубларининг йигиндиси.

Менеджер – ташкилий ва бошқарув фаолияти билан шугулланадиган мутахассис.

Моделлаштириш ва куполчиликка мўлжалланган пластик – иситиш натижасида ўз шаклини енгил ўзгартирадиган, совутилганда қаттиқ, эгилувчан ва мустаҳкам бўладиган сунъий бирикма.

Моҳият (концепция) – нарсани тушуниш ва талқин этишнинг ўзаро боғланган ва биттаси бошқасидан келиб чиқадиган усувларининг тизими.

Овоз режиссери – радио, фильм, телекўрсатувларнинг овоз безагига масъул мутахассис.

Пенопласт – қотиб қолган кўпик кўринишидаги енгил пластмасса.

Пластмасса – сунъий материал; ишлаб чиқариш жараёнида эгилувчан бўлиб, тайёр кўринишда мустаҳкам бўлади.

Полимер лой – ҳавода қотиб қоладиган, лепкага (кулолчиликка) мүлжалланган сунъий материал.

Рейсмус дастгоҳи – арраланган материалларни, танаворларни ёки қисмларни керакли қалинлигини олиш учун рандалашга мүлжалланган дастгоҳ.

Стол ўйини – стол устига ёки ўйинчиларнинг қўлига сиғадиган миқдордаги ўйин элементлари қўлланиладиган ўйин.

Сценарийчи – кинофильм, телесериал, мультфильм, спектакль, компьютер ўйини ва шу сингари асарларнинг сценарийини ёзувчи муаллиф.

Фетр – табиий жун ёки унинг ўрнини босувчи сунъий материалдан зич босилган наматсимон мато.

Эгар чоки – чарм тикишда қўлланиладиган энг мустаҳкам чоклардан бири.

Ўйин майдони – белгилар туширилган, ўйин ўтказиладиган текис жой. Стол ўйинларида у маҳсус тахта ёки қалин картондан маҳсус ишлаб чиқарилган бўлиши мумкин.

Ўйинни синовдан ўтказиш – хатолар ва камчиликларни аниқлаш мақсадида ўйинни текшириш жараёни.

Ўймакор наққош – ўймакорлик бўйича уста; ўймакорлик билан шуғулланадиган рассом.

Хунарманд – касбий хунармандчилик билан шуғулланадиган одам.

Уй маданияти

Агронженер – қишлоқ хўжалиги соҳасида янги тизимларни ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича мутахассис.

Агроном – қишлоқ хўжалигига оид кенг қамровли билимларга эга, ҳосилни етиштириш ва йиғиш бўйича мутахассис.

Агротехнология – экологик хавфсизлик ва иқтисодий самарадорликни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифатини оширишга мүлжалланган технологик операциялар мажмуи.

Агропанель – об-ҳаво совуқ бўладиган минтақаларда иссиқлик ва намликни ёқтирадиган сабзавот ва гул экинларини ўстиришга мүлжалланган шаффофф пластикдан ишланган буюм.

Аквапоника – чучук сувда яшовчи жониворларнинг чиқинди маҳсулотларини ўсимликлар учун озиқланиш ўртаси сифатида фойдаланишга қаратилган қишлоқ хўжалигининг юқори технологиялик усули.

Гидропоника – ўсимликларни тупроқсиз ўстириш усули. Ўсимлик илдиз тизими маҳсус эритмалар орқали минерал моддаларга тўйинган нам ҳавода бўлади.

Гипсли винил панеллар – гипсли картон юзасига юпқа плёнка қоплаш усули билан тайёрланган безак материали.

Кўпикли бетон – ғовак тузулушга эга бетон.

Микробиолог – вируслар, бактериялар, бир ҳужайралилар сингари микроорганизмларни ўрганувчи илмий мутахассис.

Пўқак қоплама – пўқак дараҳт пўстидан тайёрланган, бинони безатишга мўлжалланган экологик материал.

Селекционер – ўсимликларнинг янги навларини ёки жониворларнинг янги зотларини яратиш билан шуғулланадиган мутахассис.

Томчилаб сугориш – ўлчаб томизгич мослама ёрдамида сувни озгина микдорда бевосита ўсимлик илдизига етказиб, сугориш усули.

Фойдаланиш қоидалари – маҳсулотнинг тузилишидаги хусусиятлари, унинг таркибий қисмлари, ҳаракатланиш тамойили ва фойдаланиш вақтидаги хавфсизлик талаблари, таъмирлаш ва хизмат кўрсатишга боғлиқ бўлган маълумотлар берилган ва товарларга илова қилинадиган норматив-техник сифатдаги тавсиялар.

Қайишқоқ тош – эластик (шишасимон) асосга босилган табиий қумтошнинг қирқими. Биноларга безак беришда қўлланилади.

ИЛОВА

Қозоқ нақшининг асосий турлари

Ҳайвонот	Ўсимлик	Коинот	Геометрик
			
күчқор мугуз	дарахт	доира	найзадор
			
күш мугуз	япроқ	бурама	илонизи
			
эгри мугуз	уч япроқ	тўрт қулоқ	тўрт эхром
			
ғоз бўйин	ўтқизма	шафақ	хасса
			
туя товон	чиyrалма	юлдуз	қармоқ
			
ўркач	гул	ҳилол	туморча
			
ўргимчак	лола	битмас	тўлқин

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Белл Р. Энциклопедия настольных игр народов мира / пер. с англ. Л. А. Игоревский. – М.: Центрополиграф, 2001.
2. Жолдасбекова С., Изтилеуова А., Үскак А. и др. Народные ремесла: учебное пособие. – Астана: Фолиант, 2013.
3. Маргулан А. Х. Казахское народное прикладное искусство. – Алма-Ата: Өнер. – Т. I, 1986.
4. Миллз Т. Искусство мозаики. Энциклопедия / пер. с англ. Ю. В. Устиновой. – М.: Арт-родник, 2007.
5. Муканов М. С. Казахские домашние художественные ремесла. – Алма-Ата: Казахстан, 1979.
6. Тохтабаева Ш. Ж. Шедевры Великой степи: [Монография]. – Алматы: Дайк-Пресс, 2008.
7. Негізгі орта білім беру деңгейінің 5–9-сыныптарына арналған «Көркем еңбек» пәннен жаңартылған мазмұндағы үлгілік оқу бағдарламасы. – Астана: Ы. Алтынсарин атындағы Ұлттық білім академиясы, 2016.

ҚҰШИМЧА АДАБИЁТЛАР

1. Андреева Е. А. Художественная работа по дереву. – М.: Рипол Классик, 2007.
2. Асанова С., Птицина А. История казахской национальной одежды и прикладного искусства. – Астана: Фолиант, 2008.
3. Барышникова Т. Школа ремонта. – М.: «Э», 2016.
4. Ералин К., Халмуратов Ж. Мастера искусств Казахстана. – Алматы, 1997.
5. Лидин А. Справочник столяра. – Ростов н/Д.: Феникс; СПб.: Северо-Запад, 2007.
6. Маркевич А. Изобретение настольных игр. – М.: Издательские решения, 2016.
7. Омирбекова М. Ш. Традиционная культура казахов: учебное пособие для занятий по труду и изобразительному искусству. – Алматы: Алматықітап, 2004.
8. Шилкова Е. А. Мозаика. – М.: Рипол-классик, 2011.
9. Шкляева С., Муратаев К. История искусств Казахстана. – Алматы: Өнер, 2011.